

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

РУЗИМУРОДОВ НОДИРЖОН ФАЗЛИДДИНОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ВА LONG-COVID:
ГИПЕРГЛИКЕМИЯ ВА ИНСУЛИНОРЕЗИСТЕНТЛИКНИНГ
ИММУНОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Рузимуродов Нодиржон Фазлиддинович

Қандли диабет ва Long-COVID: гипергликемия ва
инсулинорезистентликнинг иммунологик механизмлари 3

Рузимуродов Нодиржон Фазлиддинович

Сахарный диабет и Long-COVID: иммунологические механизмы
гипергликемии и инсулинорезистентности..... 27

Ruzimurodov Nodirjon Fazliddinovich

Diabetes mellitus and Long-COVID: immunological mechanisms of
hyperglycemia and insulin resistance 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 60

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

РУЗИМУРОДОВ НОДИРЖОН ФАЗЛИДДИНОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ВА LONG-COVID:
ГИПЕРГЛИКЕМИЯ ВА ИНСУЛИНОРЕЗИСТЕНТЛИКНИНГ
ИММУНОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.DSc/Tib1100 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Арипова Тамара Уктамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Исмаилова Гули Амиджановна тиббиёт фанлари доктори, профессор Ахмедова Холида Юлдашевна тиббиёт фанлари доктори Халимова Замира Юсуповна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети.

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я.Ғулямов кўч, 74.Тел./факс (+99871) 207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс: (+99871) 207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда қандли диабет (ҚД) гипергликемия ва инсулинорезистентлик билан тавсифланган энг кенг тарқалган сурункали касалликлардан бири бўлиб қолмоқда. COVID-19 пандемияси даврида коронавирус инфекциясига чалинган беморлар орасида ҚДнинг янги ҳолатлари сезиларли даражада ошди, бу COVID-19 ва метаболик касалликларнинг ривожланиши ўртасидаги муносабатни аниқлаш зарурлигини таъкидлайди. Мутахассислар маълумотига кўра, «... узоқ муддатли пост-совид синдроми айнан углевод алмашинувининг бузилиши, инсулинорезистентликиннг ёмонлашуви ва гипергликемия пайдо бўлиши билан кечадиган ҳолатдир»¹. Қандли диабет патогенезнинг мураккаблиги, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ушбу касалликни эрта клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида Long-COVID билан касалланган беморларнинг ортиши, айниқса унинг асоратларини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада COVID-19 дан кейинги қандли диабетда гормонал тадқиқотлар ўтказиш, биокимёвий кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш, SARS-CoV-2 инфекциясида яллиғланиш хос ва қарши цитокинлар миқдорини аниқлашга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда Long-COVIDли беморларда гипергликемия ва инсулинорезистентлик асосидаги иммунологик механизмларни аниқлаш, ташхислаш усулларини такомиллаштириш, даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга эрта ташхис қўйиш, комплекс даволаш, улар асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, Long-COVID билан касалланган беморларнинг соғлиғини диққат билан кузатиб бориш ва коронавирус инфекциясининг метаболик жараёнларга таъсирини тўлиқ аниқлаш учун узоқ муддатли тадқиқотлар зарурлигини таъкидлайди.

¹<https://www.kff.org/coronavirus-covid-19/press-release/rates-of-long-covid-in-the-u-s-have-declined-since-june-of-2022/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 25-июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020-йил 22-июлдаги 449-сон «Коронавирус пандемияси даврида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 4-августдаги 461-сон «Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Ковиддан кейинги (Long-COVID) даврда қандли диабетда гипергликемия ва инсулинорезистентликнинг иммунологик механизмларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Harvard Medical School (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Karolinska Institute (Швеция), University of Melbourne (Австралия), National University of Singapore (Сингапур), University of Toronto (Канада), Charité – Universitätsmedizin Berlin (Германия), Kyoto University (Япония), Seoul National University (Жанубий Корея), Peking University (Хитой), University of São Paulo (Бразилия), Comenius University (Словакия), Казанский государственный медицинский университет (Россия), Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Иммунология ва инсон геномикаси институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда COVID-19 пандемияси даврида ва кейин қандли диабетни ташхислаш ва даволаш бўйича бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: коронавирус инфекцияси қандли диабет ривожланишида биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришига олиб келиши исботланган (Harvard Medical School, АҚШ; University of Oxford, Буюк Британия; Karolinska Institute, Швеция); қандли диабет билан касалланган беморларда COVID-19дан кейин турли метаболик асоратлар келиб чиқиши

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

аниқланган (University of Melbourne, Австралия; National University of Singapore, Сингапур); SARS-CoV-2 инфекцияси эндокрин дисфункция ҳолатларини келтириб чиқариши асосланган (University of Toronto, Канада; Charité – Universitätsmedizin Berlin, Германия); яллиғланишга ҳос цитокинлар синтезидаги ўзгаришлар COVID-19 дан кейин даврда инсулинорезистентлик ва гипергликемияга олиб келиши исботланган (Kyoto University, Япония; Seoul National University, Жанубий Корея); SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин қандли диабет ривожланиши хавфининг ўзига ҳос иммуногенетик маркерлари аниқланган (Peking University, Хитой; University of São Paulo, Бразилия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида COVID-19 дан кейин қандли диабетни ташхислаш ва даволашга янги ёндашувлар ва иммунологик механизмларни аниқлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, коронавирус инфекцияси бўлган беморларда қандли диабет пайдо бўлиши учун хавф омилларини аниқлаш; COVID-19дан кейин қандли диабет ривожланишига ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; ковиддан кейинги даврида беморларда диабет ривожланишига таъсир қилувчи иммунологик ва гормонал омилларни аниқлаш; эрта ташхис қўйишга ёрдам берадиган биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш; COVID-19дан кейин қандли диабет билан касалланган беморларни даволаш ва бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш, коронавирус инфекцияси билан боғлиқ қандли диабет касаллигини камайтириш бўйича профилактик тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, COVID-19 қандли диабетни келтириб чиқариши, ёки унинг кечишини оғирлаштириши мумкин, бу яллиғланиш ва аутоиммун реакциялар билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёнлардир. Шу сабабли қандли диабет ва ва Long-COVID ўзаро боғлиқлиги ва мураккаб иммунологик механизмлари туфайли илмий жамоатчилик эътиборини тортмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, SARS-CoV-2 вируси ACE2 рецепторлари орқали ошқозон ости беши-ҳужайраларини ҳам шикастлаши оқидатида заралантиради ва инсулин ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келиши мумкин (Yang L. et al., 2020). Натижада, баъзи беморларда инфекция билан боғлиқ янги диабетга ўхшаш ҳолат пайдо бўлади.

Long-COVID ва қандли диабетни боғлайдиган асосий механизмлардан бири сурункали яллиғланишдир. Яллиғланишга ҳос цитокинларнинг юқори даражада бўлиши инсулинга сигналларнинг ўтишини бузилишига, шунинг натижасида инсулинорезистентликнинг пайдо бўлишига олиб келади (Zhu L. et al., 2021). Long-COVID билан оғриган беморларда Т-ҳужайраларининг барқарор фаоллашиши ва инсулинга сезгирликнинг пасайиши туфайли IP-10 даражаси ҳам ошиши кузатилади (Montgomery A. et al., 2022). Ушбу ўзгаришлар беморларнинг метаболик профилини ёмонлашишига ва гипергликемияни кучайишига олиб келади.

Long-COVID сабабли пайдо бўлган гипергликемия иммунитет тизимига ҳам сезиларли таъсир қилади. Глюкозанинг юқори даражаси реактив

кислород турларини (ROS) ишлаб чиқаришни кучайтиради, бу оксидловчи стресс ва яллиғланишни даражасини оширади (Ceriello A., 2020). Шунинг натижасида нейтрофиллар ва макрофаглар функциясининг бузилади, оқибатда организмнинг инфекцияларга қарши ҳимоясини пасаяди ва иккиламчи асоратлар хавфи ошади (Prakash P. et al., 2022).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Long-COVID ва қандли диабет ўртасидаги муносабатлар, айниқса вируснинг метаболизм ва иммунитет тизимига узоқ муддатли таъсири билан боғлиқ ҳолда етарлича ўрганилмаган. Цитокинлар, ошқозон ости беши микро муҳити ва иммунологик механизмларнинг ролини ўрганишга қаратилган кейинги тадқиқотлар долзарблишгича қолмоқда ва ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш зарурати намоён бўлмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «COVID-19 беморларида касалликнинг турли даражали кечишида иммун тизимнинг яллиғланишга хос ва қарши цитокинлари ҳолатини тадқиқ қилиш» (2020–2022 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ковиддан кейинги (Long-COVID) даврда қандли диабетда гипергликемия ва инсулинорезистентликнинг иммунологик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ковиддан кейинги даврда қандли диабет ривожланишига инсонлар ёши, жинси ва ёндош касалликлари мавжудлиги каби хавф омиллари таъсирини аниқлаш;

COVID-19 дан олдин ва кейин ривожланган қандли диабетли беморларда иммунитетнинг ўсиш омиллари ва пептид гормонлари (лептин ва адипонектин) миқдорини аниқлаш;

қандли диабет билан касалланган беморларда аниқланган иммун тизим кўрсаткичларини ўзаро қиёсий таҳлилаш;

қандли диабет билан касалланган беморларда ковид ва ковиддан кейинги даврда аниқланган иммун тизим кўрсаткичларини касалликнинг клиник хусусиятларига боғлиқлигини корреляция таҳлилинини ўтказиш;

коронавирус инфекциясига қарши эмлашнинг иммунитетнинг ўсиш омиллари ва пептид гормонлари синтезига таъсирини аниқлаш;

қандли диабет билан касалланган беморларда асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олиш имконияти учун сунъий интеллект интеграциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2023 йилларда Навоий вилоятида коронавирус инфекцияси билан касалланган 22024 нафар беморлар амбулатория карталари ретроспектив таҳлили ва улардан 242 нафар қандли диабет билан касалланганнинг проспектив таҳлили ҳамда 35 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида коронавирус билан касалланган ва амалий соғлом шахслар вена қони ва қон зардоби биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор COVID-19 дан олдин ва кейин ривожланган қандли диабет билан касалланганлар организмида тизимли яллиғланиши ва ангиоген жараёнининг кучайиши сабабли VEGF-A ва TGF- β миқдорларининг ишонарли даражада ортиши исботланган;

илк бор SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин ривожланган қандли диабет билан касалланган беморлар организмида вирус репликацияси кучайиши ва касаллик кечишининг оғирлашуви сабабли метаболик жараён маркерлари IGF-1 ва IP-10 миқдорларининг кескин ортиши аниқланган;

илк бор COVID-19дан олдин ва кейин ривожланган қандли диабетда иммун яллиғланиши жараёнининг кучайиши сабабли касалланганлар қон зардобида VCAM-1 ва ICAM-1 молекулалари миқдорларининг меъёрга нисбатан ишонарли ортиши исботланган;

илк бор SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин ривожланган қандли диабет билан касалланган беморлар организмида вирус инвазияси ва метаболик жараён кучайиши сабабли ёғ хужайралари томонидан синтезланадиган гормонлар - лептин миқдорининг кескин ортиши фонида адипонектин миқдорининг ишонарли камайиши исботланган.

илк бор COVID-19 дан кейин қандли диабет билан касалланган, аммо эмланган беморларда вакцинациянинг иммуняллиғланиши ва метаболик жараёни сусайтириши сабабли эмланмаганларга нисбатан VEGF-A, TGF- β , IP-10, VCAM-1, ICAM-1, лептин миқдорлари камайиши ва адипонектин миқдорининг эса ортиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ковиддан кейинги (Long-COVID) даврда қандли диабет билан касалланганларда касаллик кечиши даражасини баҳолаш учун ўсиш омиллари (VEGF-A, TGF- β) миқдорини аниқлаш исботланган;

COVID-19 дан кейин қандли диабет билан касалланганларда асоратларни эрта ташхислаш учун прогностик маркёр сифатида IGF-1 миқдорини аниқлаш асосланган;

COVID-19 дан кейин қандли диабет билан касалланганларда лептин миқдорининг ортиши ва адипонектин миқдорининг пасайиши ёмон прогностик мезон эканлиги исботланган;

қандли диабет билан касалланган беморларни ташхислаш, асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олишда сунъий интеллект усулларидан фойдаланиш самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик ва

статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ковиддан кейинги (Long-COVID) даврда қандли диабетда гипергликемия ва инсулинорезистентликнинг иммунологик механизмларини аниқлаш натижасида COVID-19 дан олдин ва кейин қандли диабет билан касалланган беморларда иммунояллиғланиш ва метаболик жараён кучайишида VEGF-A, TGF- β , IP-10, VCAM-1, ICAM-1, лептин миқдорлари ортиши ва адипонектин миқдорининг эса камайиши аниқланганлиги, эмланган беморларда вакцинациянинг иммунояллиғланиш ва метаболик жараёни сусайтириши исботланганлиги, касалланган беморлар организмида вирус инвазияси кучайиши ва касаллик кечишининг оғирлашуви сабабли метаболик жараён маркерлари инсулинга ўхшаш ўсиш омили (IGF-1) ва интерферон индукциялаган оксил (IP-10) миқдорларининг кескин ортиши аниқланганлиги, тизимли яллиғланиши ва ангиоген жараёнининг кучайиши сабабли қон-томир эндотелиал омили (VEGF-A) ва β -трансформирланган ўсиш омили (TGF- β) миқдорларининг ишонарли даражада ортиши исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ковиддан кейинги (Long-COVID) даврда қандли диабет билан касалланганларда касаллик кечиши даражасини баҳолаш учун ўсиш омиллари (VEGF-A, TGF- β) миқдорини аниқлаш исботланганлиги, асоратларни эрта ташхислаш учун прогностик маркёр сифатида IGF-1 миқдорини аниқлаш асосланганлиги, COVID-19 дан кейин қандли диабет билан касалланганларда лептин миқдорининг ортиши ва адипонектин миқдорининг пасайиши ёмон прогностик мезон эканлиги исботланганлиги ҳамда қандли диабетни ташхислаш, асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олишда сунъий интеллект усулларида фойдаланиш самарадорлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ковиддан кейинги (Long-COVID) даврда қандли диабетда гипергликемия ва инсулинорезистентликнинг иммунологик механизмларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгиллиги: илк бор COVID-19 дан олдин ва кейин ривожланган қандли диабет билан касалланганлар организмида тизимли яллиғланиши ва ангиоген жараёнининг кучайиши сабабли қон-томир эндотелиал омили (VEGF-A) ва β -трансформирланган ўсиш омили (TGF- β) миқдорларининг ишонарли даражада ортиши исботланганлиги бўйича «Постковид даврида қандли диабетли ёши катта аҳолининг иммун тизим ҳолати хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/004-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур тақлиф Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 1908-5-79-DOP/2024-сон

буйруғи ҳамда Навоий вилоят эндокринология диспансерининг 17.09.2024 йилдаги 82-сон буйруғи билан амалиётган жорий этилган. «COVID-19 пандемияси шароитида қандли диабет кечишининг клиник хусусиятлари ва унинг оқибатлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/005-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 20.09.2024 йилдаги 4620-5-77-ТВ/2024-сон буйруғи ҳамда Канимех туман тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 2298-5-70-ТВ/2024 сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 22-октябрдаги 07/106-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: постковид даврда диабет билан оғриган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратлари камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ортади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Навоий вилоят эндокринология диспансери, Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмаси, Канимех туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига жорий этилиши постковид даврда қандли диабетни эрта ташхислаш ва кечишини назоратини таъминлайди, бу эса даволаш ҳисобига бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 624 000 сўм, шунингдек касалхонада ётиш кунлари қисқариши ҳисобига бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 475 310 сўмни ташкил қилган. *хулоса*: COVID-19 дан олдин ва кейин ривожланган қандли диабет билан касалланганлар организмида тизимли яллиғланиниш ва ангиоген жараёнининг кучайиши аниқлаш учун қон-томир эндотелиал омили (VEGF-A) ва β-трансформирланган ўсиш омили (TGF-β) миқдорларини аниқлаш исботланган.

илкинчи илмий янгиллиги: илк бор SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин ривожланган қандли диабет билан касалланган беморлар организмида вирус инвазияси кучайиши ва касаллик кечишининг оғирлашуви сабабли метаболик жараён маркерлари инсулинга ўхшаш ўсиш омили (IGF-1) ва интерферон индукциялаган оксил (IP-10) миқдорларининг кескин ортиши аниқланганлиги бўйича «Постковид даврида қандли диабетли ёши катта аҳолининг иммун тизим ҳолати хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/004-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 1908-5-79-DOP/2024-сон буйруғи ҳамда Навоий вилоят эндокринология диспансерининг 17.09.2024 йилдаги 82-сон буйруғи билан амалиётган жорий этилган. «COVID-19 пандемияси шароитида қандли диабет кечишининг клиник хусусиятлари ва унинг оқибатлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/005-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 20.09.2024 йилдаги 4620-5-77-ТВ/2024-сон буйруғи ҳамда Канимех туман тиббиёт бирлашмасининг

17.09.2024 йилдаги 2298-5-70-ТВ/2024 сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 22-октябрдаги 07/106-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: постковид даврда диабет билан оғриган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратлари камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ортади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Навоий вилоят эндокринология диспансери, Хатирчин тумани тиббиёт бирлашмаси, Канимех туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига жорий этилиши постковид даврда қандли диабетни эрта ташхислаш ва кечишини назоратини таъминлайди, бу эса даволаш ҳисобига бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 624 000 сўм, шунингдек касалхонада ётиш кунлари қисқариши ҳисобига бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 475 310 сўмни ташкил қилган. *хулоса*: SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин ривожланган қандли диабет билан касалланган беморлар организмида вирус инвазияси кучайиши ва касаллик кечишининг оғирлашувида метаболлик жараён маркерлари инсулинга ўхшаш ўсиш омили (IGF-1) ва интерферон индукциялаган оқсил (IP-10) миқдорлари аниқланган;

учинчи илмий янгилиги: илк бор COVID-19 дан олдин ва кейин ривожланган қандли диабетда иммун яллиғланиши жараёнининг кучайиши сабабли касалланганлар қон зардобда қон-томир хужайра адгезияси молекуласи (VCAM-1), ҳамда хужайраларора адгезия молекуласи (ICAM-1) миқдорларининг меъёрга нисбатан ишонарли ортиши исботланганлиги бўйича «Постковид даврида қандли диабетли ёши катта аҳолининг иммун тизим ҳолати хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/004-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 1908-5-79-DOP/2024-сон буйруғи ҳамда Навоий вилоят эндокринология диспансерининг 17.09.2024 йилдаги 82-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган. «COVID-19 пандемияси шароитида қандли диабет кечишининг клиник хусусиятлари ва унинг оқибатлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/005-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 20.09.2024 йилдаги 4620-5-77-ТВ/2024-сон буйруғи ҳамда Канимех туман тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 2298-5-70-ТВ/2024 сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 22-октябрдаги 07/106-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: постковид даврда диабет билан оғриган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратлари камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ортади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Навоий шаҳар

тиббиёт бирлашмаси, Навоий вилоят эндокринология диспансери, Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмаси, Канимех туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига жорий этилиши постковид даврда қандли диабетни эрта ташхислаш ва кечишини назоратини таъминлайди, бу эса даволаш ҳисобига бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 624 000 сўм, шунингдек касалхонада ётиш кунлари қисқариши ҳисобиги бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 475 310 сўмни ташкил қилган. *хулоса:* COVID-19 дан олдин ва кейин ривожланган қандли диабетда иммун яллиғланиниш жараёнининг кучайишида қон-томир ҳужайра адгезияси молекуласи (VCAM-1), ҳамда ҳужайраларора адгезия молекуласи (ICAM-1) миқдорларини аниқлаш исботланган;

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин ривожланган қандли диабет билан касалланган беморлар организмида вирус инвазияси ва метаболит жараён кучайиши сабабли ёғ ҳужайралари томонидан синтезланадиган гормонлар - лептин миқдорининг кескин ортиши фонида адипонектин миқдорининг ишонарли камайиши исботланганлиги бўйича «Постковид даврида қандли диабетли ёши катта аҳолининг иммун тизим ҳолати хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/004-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 1908-5-79-DOP/2024-сон буйруғи ҳамда Навоий вилоят эндокринология диспансерининг 17.09.2024 йилдаги 82-сон буйруғи билан амалиётган жорий этилган. «COVID-19 пандемияси шароитида қандли диабет кечишининг клиник хусусиятлари ва унинг оқибатлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/005-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 20.09.2024 йилдаги 4620-5-77-ТВ/2024-сон буйруғи ҳамда Канимех туман тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 2298-5-70-ТВ/2024-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 22-октябрдаги 07/106-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* постковид даврда диабет билан оғриган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратлари камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ортади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Навоий вилоят эндокринология диспансери, Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмаси, Канимех туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига жорий этилиши постковид даврда қандли диабетни эрта ташхислаш ва кечишини назоратини таъминлайди, бу эса даволаш ҳисобига бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 624 000 сўм, шунингдек касалхонада ётиш кунлари қисқариши ҳисобиги бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 475 310 сўмни ташкил қилган. *хулоса:* SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин ривожланган қандли диабет билан касалланган беморлар организмида вирус

инвазияси ва метаболик жараён кучайиши сабабли ёғ хужайралари томонидан синтезланадиган гормонлар - лептин ва адипонектин миқдорини аниқлаш исботланган.

бешинчи илмий янгилиги: илк бор COVID-19 дан кейин қандли диабет билан касалланган, аммо эмланган беморларда вакцинациянинг иммуняллиғланиш ва метаболик жараёни сусайтириши сабабли эмланмаганларга нисбатан VEGF-A, TGF-β, IP-10, VCAM-1, ICAM-1, лептин миқдорлари камайиши ва адипонектин миқдорининг эса ортиши аниқланганлиги бўйича «Постковид даврида қандли диабетли ёши катта аҳолининг иммун тизим ҳолати хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/004-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 1908-5-79-DOP/2024-сон буйруғи ҳамда Навоий вилоят эндокринология диспансерининг 17.09.2024 йилдаги 82-сон буйруғи билан амалиётган жорий этилган. «COVID-19 пандемияси шароитида қандли диабет кечишининг клиник хусусиятлари ва унинг оқибатлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашида 2024-йил 5-апрелида DSc3u-t/005-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 20.09.2024 йилдаги 4620-5-77-ТВ/2024-сон буйруғи ҳамда Канимех туман тиббиёт бирлашмасининг 17.09.2024 йилдаги 2298-5-70-ТВ/2024 сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 22-октябрдаги 07/106-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* постковид даврда диабет билан оғриган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратлари камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ортади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Навоий вилоят эндокринология диспансери, Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмаси, Канимех туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига жорий этилиши постковид даврда қандли диабетни эрта ташхислаш ва кечишини назоратини таъминлайди, бу эса даволаш ҳисобига бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 624 000 сўм, шунингдек касалхонада ётиш кунлари қисқариши ҳисобига бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 475 310 сўмни ташкил қилган. *хулоса:* COVID-19 дан кейин қандли диабет билан касалланган ва эмланган беморларда вакцинациянинг иммуняллиғланиш ва метаболик жараёни VEGF-A, TGF-β, IP-10, VCAM-1, ICAM-1, лептин ва адипонектин миқдорларига боҳлиқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ковиддан кейинги даврда қандли диабет ҳақида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида COVID-19 билан касалланиш ва тарқалиши, шунингдек, унинг қандли диабет билан оғриган беморларнинг соғлиғига таъсири ҳақидаги жорий маълумотларни очиб берадиган адабиётлар шарҳи тақдим этилган. Патогенезнинг юқумли, иммунологик ва молекуляр генетик механизмлари, шу жумладан цитокинларнинг иммунорегуляциядаги роли ва постковид даврида қандли диабетнинг ривожланиш механизми кўриб чиқилган. COVID-19 билан оғриган беморларда диабет ривожланишига ҳисса қўшадиган хавф омиллари, шу жумладан гиперяллиғланиш реакциялар ва вируснинг глюкоза метаболизмига таъсири таҳлил қилинган. Даволашнинг замонавий ёндашувлари, шу жумладан гликемик назоратни яхшилаш ва касаллик таъсирини юмшатишга қаратилган даволовчи дориларни қўллаш муҳокама қилинган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг хусусиятлари ва ишлатилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида Иммунология ва инсон геномикаси институти ва Ибн Сино номидаги Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмаси (Навой вилояти) ўртасидаги илмий шартнома доирасида олинган маълумотларни тақдим этади. Тадқиқотга 2022-2023 йиллар давомида 22 024 беморлар киритилган, улардан 11 253 нафари қонда глюкоза даражасининг ошиши туфайли кузатув остида бўлган. Ретроспектив таҳлил шуни кўрсатдики, 497 нафар беморларда эрта тонгда глюкоза даражаси 6 ммол/лдан бўлган хавф ости гуруҳига киритилган.

Иккинчи босқичда проспектив когорт тадқиқоти ўтказилган бўлиб, унда 242 нафар қандли диабет (ҚД2) 2-тур ташхиси қўйилган бемор иштирок этишган.

Беморлар вакцинация ва COVID-19 мавжудлигига қараб уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга COVID-19 билан касалланишдан аввал ҚД2 ташхиси қўйилган 87 бемор киритилган. COVID-19 кейин диабет ривожланган

ва эмланган (Moderna ёки AstraZeneca вакциналари билан) 53 нафар бемор иккинчи гуруҳга кирган. Учинчи гуруҳга COVID-19 билан оғриганидан кейин ҚД2 ни ривожлантирган аммо вакцинаяи олмаган 102 нафар бемор кирганди. Назорат гуруҳига 35 нафар COVID-19 билан касалланган, аммо ҚД2 белгилари бўлмаган ва гликирланган гемоглобин кўрсаткичлари меъёр даражасини (HbA1c 6,5%дан паст) кўрсатган 35 нафар амалий соғлом инсонлардан иборат булган.

Барча беморлар клиник, лаборатория ва инструментал текширувдан ўтдилар, улар ёндош касалликларга қараб терапевт ва бошқа ихтисослашган мутахассислар (кардиолог, гастроэнтеролог, невролог) томонидан текширилди. Текширув доирасида органларнинг ҳолатини баҳолаш учун рентгенография, ултратовуш (УТТ), электрокардиограмма (ЭКГ) ўтказилди. Лаборатория синовларига умумий қон ва сийдик текшируви, биокимёвий қон таҳлиллари, коагулограмма ва сўнгги 2-3 ой ичида қондаги глюкоза даражасини акс еттирувчи гликирланган гемоглобин (HbA1c) даражасини ўрганишлар кирган. Очлик ва овқатдан кейин қондаги глюкоза даражаси Accu-Chek Active глюкоза ўлчагичлари ва Cobas с 111 автоматик анализаторлари ёрдамида ўлчанди.

Иммунологик тадқиқотлар Иммунофермент анализ (ИФА) томонидан асосий биомаркерлар: VEGF-A, TGF- β , IGF-1, IP-10, VCAM-1, ICAM-1, лептин ва адипонектин концентрациясини баҳолаш учун ўтказилди. Бўлимга қабул қилингандан сўнг таҳлил қилиш учун қон олинди, шундан сўнг таҳлил намуналари -20°C да музлатилди. Ўлчовлар цитокинлар даражасини аниқлаш учун уч босқичли “сендвич” техникасидан фойдаланган ҳолда «Вектор-Бест» ва «БиоХимМак» (Россия) синов тизимлари ёрдамида амалга оширилди.

Натижалар SPSS v16.0 ва Microsoft Excel дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда вариацион статистика усуллари ёрдамида қайта ишланди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги Стьюдент мезони ёрдамида баҳоланди ва Pearson ва Spearman коэффициентлари ёрдамида ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун корреляцион таҳлил ўтказилди. Олинган маълумотлар SPSS и R дастурий таъминотида қурилган графикалар ёрдамида визуализация қилинди, бу еса тадқиқот натижаларини яхшироқ таҳлил қилиш ва талқин қилиш имконини берди.

Диссертациянинг «Текширилган беморларнинг клиник хусусиятлари» деб номланган учинчи боби шуни кўрсатадики, COVID - 19 пандемияси қандли диабетнинг клиник кечишига сезиларли таъсир кўрсатган. Пандемия даврида, айниқса, COVID-19 билан касалланган беморлар орасида ҚД2нинг янги ҳолатлари сонининг кўпайиши қайд этилди. Бу SARS-CoV-2 вируси ошқозон ости безига зарар етказиши, бета-хужайра функциясининг бузилишига ва диабетнинг ривожланишига олиб келиши билан боғлиқ. 2022 йилдан 2023 йилгача бўлган илмий келишув доирасида Хатирчи туман тиббиёт бирлашмасининг эндокринология бўлимида проспектив когорт усули бўйича 242 бемор танлаб олинди (ўртача ёши $64,3 \pm 2,7$ ёш). Биринчи гуруҳга 87 нафар бемор киритилди (61 эркак ва 26 аёл), ўртача ёш – $65,3 \pm 3,2$ йил.

Иккинчи гуруҳга 53 нафар бемор (34 эркак ва 19 аёл), уларда 2-тур қанд касаллиги вакцинациядан сўнг ривожланган; ўртача ёш – 60,8±3,1 йил. Учинчи гуруҳга 102 нафар бемор (43 эркак ва 59 аёл), ўртача ёш – 67,1±1,9 йил.

Аниқланишича, ёш (OR = 2,5), жинс (OR = 1,5) ва бирга кечадиган касалликлар (OR = 3,2) Long-COVID даврида 2-тур қанд касаллиги ривожланиш хавфини сезиларли даражада оширади. Ёш муҳим омил бўлиб, қанд касаллиги ривожланиш хавфини 2,5 бараварга оширади, бу эса ёшга боғлиқ метаболик ўзгаришлар, стрессга чидамлилиқнинг пасайиши ва иммун тизими регуляциясининг бузилиши билан боғлиқ.

Постковид даврида 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларнинг шикоятлари таҳлили турли гуруҳлар орасида симптомларнинг частотаси ва интенсивлигида сезиларли фарқларни аниқлади (1-жадвал).

Жадвал 1

Ўрганилаётган гуруҳларнинг асосий шикоятлари

Гуруҳлар	Асосий шикоятлар	COVID-19 таъсири
1 гуруҳ	Сурункали чарчоқ, тез-тез чанқоқлик, полиурия, бекарор кон шакар даражаси ,асоратлар (нейропатия, ретинопатия), декомпенсация эпизодлари, умумий заифлик, фаровонликнинг ёмонлашиши	COVID-19 сабаб бўлган сурункали аломатларнинг ёмонлашиши
2 гуруҳ	Кучли заифлик, чарчоқ, чанқоқлик, полиурия, курук оғиз, вазн йўқотиш, умумий ҳолатнинг ёмонлашиши	Ўткир таъсир иммунитет ҳимояси етишмаслиги билан кучаяди
3 гуруҳ	Заифлик, чарчоқ, чанқоқлик, полиурия, камроқ вазн йўқотиш ва курук оғиз	Эмлаш орқали симптомларни юмшатиш

1-гуруҳдаги COVID-19дан олдин мавжуд бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларнинг анамнезини таҳлил қилиш натижалари узоқ муддатли касаллик жараёни ва асоратлар билан боғлиқ кўплаб шикоятларни аниқлади. Беморларнинг 80%ида сурункали чарчоқ, 60%ида чанқоқлик, шунингдек, гипергликемия ва гипогликемия эпизодлари қайд этилган. 55% беморларда катаболизм билан боғлиқ бўлган вазн йўқотиш кузатилган.

Қандли диабетнинг асоратлари, жумладан, невропатия ва ретинопатия, COVID-19 инфекциясидан кейин кучайиб, диабетнинг декомпенсациясига олиб келган ва тиббий ёрдамга мурожаат қилиш ҳолатлари кўпайган.

80% беморларда кучсизлик, 75%ида ортиқча чарчоқ, 50%ида эмоционал лабиллик қайд этилган. Бу белгилар умумий ҳолатнинг ёмонлашуви ва жисмоний фаолиятнинг пасайиши билан бирга келиб чиққан бўлиб, беморларнинг ҳолати оғирлигини кўрсатади (жадвал 2).

